

ЎЗБЕК ТИЛИ

8-синф

1-вариант

1. **Она тилим, омон бўл мангу, Сен борсан-ки , мен ҳам ўлмайман. Сўзловчининг нутқи қаратилган сўзни аниқланг.**

- А) Она тилим. Б) Омон бўл. В) Бўл мангу. Г) Мен. Д) Ўлмайман.

2. **Ундалманинг гаптаги ўрнини кўрсатинг.**

- А) Гапнинг бошида. Б) Гапнинг ўртасида. В) Гапнинг охирида.
Г) Ўрни йўқ. Д) Гапнинг бошида, ўртасида, охирида.

3. **Ундалма қатнашган гапни аниқланг.**

- А) Иссиққўл! Қирғиз диёрининг сўнмас кўшиғи.
Б) Ҳайрият, йиғиб-тегиб олишди.
В) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпланадилар.
Г) Бугун, соат бешда, мажлис бўлади.
Д) Хўш, шеърларимни ўқиб берайми?

4. **Гапнинг ажратилган бўлаклари қандай вазифа бажаради?**

- А) Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга қўшимча муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади.
Б) Ўздан аввал келган бўлакнинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради.
В) Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
Г) Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқ эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
Д) Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодалаш учун хизмат қилади.

5. **Сизга қалби пок ўстозларга таъзим қиламиз.**

Ушбу гаптаги остига чизилган сўзлар қандай тиниш белгилари билан ажратилиши лозим?

- А) Икки нуқта ёки тире билан Б) Вергул ёки тире билан
В) Вергул ёки ики нуқта билан Г) Вергул ёки нуқтали ёки нуқтали вергул билан
Д) Қавс билан.

6. **Қайси гапта ундалма мавжуд?**

- А) Мени кечира олсанг, кечир. Б) Мени ташқарида кутиб турсангиз.
В) Сизга нима бўлди, ойижон? Г) Қани энди муздеккина сув бўлса.
Д) Эшик остонасида 5 ёшли ўғли уни кутиб турарди.

7. **Қайси қатордаги гапта умумлаштирувчи сўз қатнашган?**

- А) Баҳоринг муборак, Қирғизистон!
Б) Ота, юртимизнинг бугунги куни бахтли, эртаси янада бахтлироқ бўлади. В) Инсоннинг қадр-қимматини, иззат-нафсини ерга урмаслик керак.
Г) Қовун полизида, ҳув чайла ёнида, илк учрашганимиз ёдингдами?
Д) Қақнуснинг бошқа қушлар каби жуфти йўқ, у болаламайди.

8. **Менимча, интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг меъёрини ҳар бир инсон ўзи англамоғи керак**

Гапта остига чизилган сўз –

- А) Ундалма Б) Уюшиқ бўлак
В) Кириш сўз Г) Кириш бирикма Д) Кириш гап.

9. **Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига муносабатини билдирган сўз -**

- А) Ундалма деб аталади. Б) Уюшиқ бўлак деб юритилади.
В) Кириш сўз дейилади. Г) Кириш бирикма деб номланади. Д) Кириш гап деб айтилади.

10. **Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига муносабатини билдирган сўз қатнашган гапни аниқланг.**

- А) Ота, бир соатингизни сотиб ола қолай. Бу вақтни мен билан ўтказинг!..
Б) Ишнинг ярмидан кўпини ўзингиз бажариб бўлибсиз.
В) Ўтинни бир кучли ёради, бир фикрли ёради.
Г) Мана чиройли сабрнинг ажри!
Д) Дарҳақиқат, кундалик ҳаёт ва турмушимизда интернет ва ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти ўзгача бўлиб қолди.